

## ТЕРМИНЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.6653731>

**Аззамов Юсуф Ражаббоевич**

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада янги терминларни таржима қилиш усулини танлаш муаммолари, терминларни таржима қилишнинг кўплаб усуллари, кўплаб тилишуносларининг бу борада амалга оширган ишлари, тадқиқотлари, терминнинг қўлланиш хусусиятларига кўра бир қатор ҳоссалари ва талаблари ўрганиб чиқилди.*

**Калит сўзлар:** “Термин” консепсияси, терминларни таржима қилиш, терминнинг қўлланиш хусусиятлари, таржима қийинчиликлари, прагматик муаммолар.

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье рассматриваются проблемы выбора способа перевода нового термина, многие способы перевода терминов, работы многих лингвистов в этой области, исследования, ряд особенностей и требований к употреблению термина.*

**Ключевые слова:** понятие «термин», перевод терминов, особенности употребления термина, трудности перевода, прагматические проблемы.

### ABSTRACT

*This article examines the problems of choosing a method of translating a new term, many methods of translating terms, the work of many linguists in this area, research, a number of features and requirements for the use of the term.*

**Keywords:** the concept of "term", translation of terms, features of use of the term, translation difficulties, pragmatic problems.

### КИРИШ

Замонавий дунёда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа кўплаб соҳаларнинг жадал ривожланиши кўплаб соҳалар учун долзарб бўлган назариялар, тушунчалар, ҳодисаларни ўрганишни тақозо этмоқда. Айнан термин ёрдамида турли соҳалардаги билимларимиз натижалари тилда

намоён бўлади. Шу муносабат билан янги терминларни таржима қилиш усулини танлаш муаммоси тилшунослар ва таржимонларда катта қизиқиш уйғотади ва таржима назарияси ва амалиётида муҳим ўрин тутати.

Бу каби муаммолар билан В.М.Лейчик, И.А.Мякишева, В.Д.Табанакова, М.В.Квитко, А.А.Реформатский, Ж.-П.Вине, Ж.Дарбельне, Д.Х.Кадирбекова, Н.А.Мартынова, А.Б.Адигенеева, Д.Камчибекова, О.Ахмедов, П.Нишонов, Х.Палуанова<sup>1</sup> каби кўплаб махаллий ва хорижлик олимлар шуғилланишган. Мазкур олимлар терминларнинг асосий хоссалари, таржима қилиш муаммолари юзасидан тадқиқот ишларини олиб боришган.

Терминларни таржима қилишнинг кўплаб усуллари мавжуд, аммо уларнинг барчаси пайдо бўлган терминларнинг янгилиги ва уларнинг таржимасига таъсир қилувчи омиллар туфайли умумий характерга эга. Шунинг учун, терминлар учун қўйиладиган талабларга ва маълум бир таржима усулини танлашга таъсир қилувчи омилларга эътибор бериш муҳимдир. Шундай қилиб, тилдаги баъзи анъаналарни ўрганиб чиқиб, таржиманинг қайси варианты энг муваффақиятли бўлади ва қайси бири умуман ишламайди деб тахмин қилиш мумкин. Аввало, “термин” атамаси нимани англатишини билиб олайлик. Ҳозирги вақтда ушбу ҳодисанинг кўп қиррали бўлиши сабабли “термин” атамасининг умумий қабул қилинган таърифи мавжуд эмас. Бу борада терминнинг бош хоссасини таърифлаш бўйича олимларнинг турли ёндашувлари мавжуд. Шунга қарамай, аксарият олимлар термин бу маълум бир

<sup>1</sup> Лейчик В. М. Терминоведение: предмет, методы, структура. 4-е изд., испр. и доп. – М. : ЛИБРОКОМ, 2006. 256 с.; Мякишева И. А., Табанакова В. Д. Родовидовая дефиниционная модель лингвисти-ческого термина в научном учебном дискурсе // Вестн. – Тюмен. гос. ун-та [Элек-тронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.utmn.ru/docs/6095.pdf> (дата обра- щения: 25.01.2014.); Квитко И. С. Термин в научном документе. – Львов : Вища школа, 1976. 125 с.; Реформатский А. А. Что такое термин и терминология. – М. : Просвещение, 2000. 253 с.; Вине Ж.-П., Дарбельне Ж. Технические способы перевода. – М. : Международные отношения, 1978. 202 с.; Кадирбекова Д.Х. Инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари терминологиясининг лингвистик хусусиятлари. Монография. – Тошкент: фан ва технология, 2016. – 128 б. – Б. 31.; Мартынова Н.А. Роль терминологической лексики в формировании коммуникативной компетенции специалиста // Общество и человек. – 2014.– № 1(7). – С. 67-72.; O‘zbek tili terminologiyasi Ma’ruza matnlari. – 47 b.; Адигенеева А.Б., Камчыбекова Д. К вопросу о преподавании профессиональных терминов в русском языке. Электронный ресурс: [https://revolution.allbest.ru/pedagogics/00554873\\_0.html](https://revolution.allbest.ru/pedagogics/00554873_0.html). Дата обращения: 21.04.2018.; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Автореф. дисс. ... филол. фан. док. – Тошкент, 2016. – Б.27.; Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Автореф. дисс. ... филол. фан. ном. – Т.: 2009. – Б. 8. – 26 б.; Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари: Автореф. дисс. ... филол.фан. док. – Тошкент, 2016. – 28 б.; Терминология. Электронный ресурс: [http://encyclopaedia.big.ru/enc/liberal\\_arts/TERMINOLOGIYA.html](http://encyclopaedia.big.ru/enc/liberal_arts/TERMINOLOGIYA.html). Дата обращения: 22.04.2018.

билим ёки фаолият соҳаси билан боғлиқ бўлган ўзига хос ёки мавҳум тушунчани оғзаки равишда ифодаладиган синтетик ифода шакли эканлигига қўшиладилар.

Терминнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади: таърифнинг мавжудлиги, терминнинг акс эттирилган тушунчага мувофиқлиги, кўпроқ маълумот тўйинганлиги, ноаниқликка мойиллик, услубий бетарафлик ва ифода етишмаслиги, изчиллик.

Ушбу асосий хусусиятлардан ташқари, терминнинг қўлланиш хусусиятларига кўра бир қатор ҳоссалари ва талабларини бир қатор олимлар, хусусан, К.А.Мякшин қуйидагича ажратиб кўрсатади: амалга ошириш (умумий қабул қилинган, тушунарли), вариацион барқарорлик (такрорланувчанлик), эвфониклик (эвфонийлик талаби)<sup>2</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, терминнинг лингвистик шакли “сўзнинг лингвистик шаклидан фарқ қилмайди”<sup>3</sup>, яъни ҳар қандай термин морфологик, ҳосилавий ва синтактик тузилишга эга ва унинг шакли лексик асосли бўлиши мумкин. Масалан, “cantamination” ва “terminazition” нуктаи назаридан “-tion” қўшимчаси жараённи билдиради.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Р.Ф.Пронина терминларнинг морфологик таснифини ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича барча терминлар қуйидагиларга бўлинади:

- оддий (resistance, spin);
- мураккаб (flyweight, earthometer);
- термин-иборалар/кўпкомпонентли терминлар (meter multiplier, computer assisted drafting machine)<sup>4</sup>.

“Термин” концепцияси – бу маълум хусусиятларга эга бўлган кўп қиррали тушунча бўлиб, унинг энг тўлиқ таснифи Владимир Моисеевич Лейчик томонидан терминлар типологиясида берилган бўлиб, турли хил хусусиятларга кўра таснифларни таъкидлайди:

<sup>2</sup> Мякшин К. А. К вопросу об основных признаках термина // Альманах современной науки и образования. № 8. – Тамбов, 2009. С. 112–114.

<sup>3</sup> Мякишева И. А., Табанакова В. Д. Родовидовая дефиниционная модель лингвисти-ческого термина в научном учебном дискурсе // Вестн. – Тюмен. гос. ун-та [Элек-тронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.utmn.ru/docs/6095.pdf> (дата обра-щения: 25.01.2014).

<sup>4</sup> Пронина Р. Ф. Перевод английской научно-технической литературы. 3-е изд., пе-реаб. и доп.. – М. : Высшая школа, 1986. – С. 8.

I. Терминологик жиҳатдан энг муҳим белгиларига кўра терминологик тасниф: категория терминлари, умумий илмий ва умумий техник терминлар, тармоқлараро терминлар, махсус терминлар.

II. Терминаларни индивидуал хусусиятларига кўра таснифлаш (мазмунли, расмий, функционал, тил ички ва ташқи омилларга асосланган терминлар).

Турли хил асосларда таснифларнинг кўплиги илмий адабиёт тилида жуда кўп терминлар ишлашидан далолат беради. Бироқ, уларнинг сони нафақат таснифлашни, балки таржимани ҳам талаб қиладиган янги терминлар билан доимий равишда тўлдирилиб борилади.

Шундай қилиб, барча услубдаги матнлар, айниқса илмий ва техник матнларни таржима қилишда таржимонлар кўпинча дуч келадиган муаммо бу – янги терминларни таржима қилишдир. Бундай матнларни таржима қилиш билан шуғулланадиган мутахассис терминлар таржимасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Шу ўринда таржимашуносликда бугунги кунда учрайдиган муаммолар анъанаси, хусусан, терминлар таржимаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари борасида сўз юритсак.

Таржима жараёнида таржимон ўзининг компетенциясига алоқадор бўлмаган таржима қийинчиликларига дуч келиши мумкин. Мана шундан муаммоларни Кристиан Норд тўрт тоифага, яъни прагматик, маданий, лингвистик ва матнга хос муаммоларга ажратади<sup>5</sup>. Ушбу муаммолар ечимини топиш учун таржимондан аниқ таржима стратегиясини қўллаш талаб қилади.

Прагматик муаммолар асосан аслият ва таржима матнидан ташқари омиллардаги фарқ туфайли келиб чиқади. Улар идиоматик иборалар, сўзлар, киноя, ҳазил ёки маданиятга боғлиқ терминларда учрайди. Маданий таржима муаммолари, ўз навбатида ўзаро боғлиқ бўлган маданиятлар ўртасидаги маданий тушунчалардаги фарқлардан келиб чиқади. Бунга конвенциялар, матн тури ва жанр конвенциялари, таомларнинг номлари, фестиваллар ёки маданий мазмундаги мисоллар сабаб бўлади. Тиллараро ёки лисоний таржима муаммолари луғат ёки синтаксисдаги таркибий фарқлардан келиб чиқади. Таржима тилида турли хил маъно ва таъсирга эга бўлган аслият тили ибораларининг бир нечта вариантларини яратишга имкон берадиган ҳолатлар мавжуд. Энг кўп учрайдиган ҳолатлар – бу турли хил сўз тартиби ёки таржимоннинг “сохта дўстлар”идир. Матнга хос муаммолар эса маълум бир матнни таржима қилишда, муаллифнинг услуби ва унинг умумий

<sup>5</sup> Nord C. Text Analysis in Translation. – Amsterdam, New York: Rodopi, 2005.

конвенцияларни қабул қилиш даражасида пайдо бўлади. Бу жараёнда таржима муаммоларига сўз ўйинлари, қофия, аллитерация ёки риторик конструкциялар киради.

Таржима бўйича олимлар ва назарийгчилар таржима муаммолари учун кенг стратегияларни таклиф қилишларига қарамай, тегишли таржимани топиш ҳар доим ҳам осон эмас. Прагматик таржима муаммоларини ҳал қилиш учун таржима ҳақида қисқача маълумотга мурожаат қилиш тавсия этилади. Маданий муаммолар юзага келганда, параллел терминлар билан танишиш учун параллел матнлар билан ишлаб, корпус яратиш керак бўлади. Тилшунослик муаммолари ихтисослаштирилган луғатлар ёки маълумотлар базаларига мурожаат қилиш йўли билан ҳал қилиниши мумкин, матнга хос бўлганлар эса таржимоннинг ижодкорлигини талаб қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, таржимонлар одатда алоҳида сўзлар ёки иборалар билан эмас, балки матнлар билан иш юритадилар ва кўпинча улар шу вазиятдаги ва маданиятдаги матнлар билан ишлашга мажбур бўладилар<sup>6</sup>. Таржима қилинган матн коммуникатив бўлиш учун Богранде ва Дресслер ва Нойбер томонидан таржима ҳолатига мослаштирилган еттита матн меъёрларига жавоб бериши керак, яъни вазият, мақсадлилик, мақбуллик, ахборотлилик, интертекстуаллик, изчиллик ва боғлиқлик. Бундан ташқари, матнларнинг аксарияти таржима қилиш учун ишлаб чиқарилайди (газета мақолалари, журналлар ва бошқалар)<sup>7</sup>. Шундай қилиб, аслият матн таржима матнига олиб ўтишда янги контекстда мустақил равишда ишлаш, шунингдек, бироз ўзгаришни амалга оширса, ҳам матннинг еттита меъёрларини ўзида намоиш қилиши керак.

Прагматик муаммолар асосан аслият ва таржима матнининг коммуникатив вазиятлари ўртасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиқади. Одатда бу қарама-қаршилик, макон, вақт ёки термин учраган манзил билан боғлиқ бўлади. Шаффнер ўз асарида “макон ва вақт билан боғлиқ ахборотлар, атоқли отлар, ташкилот ва ва муассаса номлари маданият билан боғлиқ терминлар ҳисобланишини ва улар асосий таржима муаммоларидан эканлигини таъкидлайди<sup>8</sup>. Маданият билан боғлиқ бўлган терминлар ташкилотлар ёки

<sup>6</sup> Schaffner C and Wiesemann U. *Annotated Texts for Translation: English-German*. Clevedon, Buffalo, Toronto, Sydney: Multilingual Matters Ltd, 2001.

<sup>7</sup> Neubert A. *Text and Translation*, Leipzig: Verlag Enzyklopädie, 1985.

<sup>8</sup> C. Schaffner and U. Wiesemann, *Annotated Texts for Translation: English-German*. Clevedon, Buffalo, Toronto, Sydney: Multilingual Matters Ltd, 2001.



икки тил ва маданиятнинг бирига хос бўлган воқеалар кўпинча аслият тили маданиятига тааллуқли бўлади. Баъзан, муассасаларнинг тегишли номлари уларга мос келадиган меъёрий терминларга эга бўлади, ammo таржимон тегишли термин ёки иборани топиши керак бўлган бир неча ҳолатлар мавжуд бўлади. Масалан, инглиз тили гастрономия терминологиясида **“Omelette Arnold Bennett”** термини мавжуд. Ушбу бирикма термин турдош ва атоқли отнинг ўзаро бирга қўлланиши натижасида юзага келган. Ушбу терминни таржимон ўзбек тилига оддийгина *“инглизча омлет”* деб таржима қилса, ушбу терминнинг ўзига хос маданийлиги йўқолиши мумкин. Ундаги ўзига хос миллий-маданийликни сақлаб қолиш учун таржимондан экстралингвистик билим талаб этилади ва таржимон қўшимча ахборот манбаларидан бу таом ҳақида маълумот қидиради. *Арнолд Беннет омлети одатда дудланган дуккакли ва голланд соуси билан бойитилади. Рецептлари турлича бўлишига қарамай, бу классик таом одатда бегамел, қаймоқ ёки голланд соусида тайёрланади. Ушбу таом Лондонда Савой меҳмонхонасида таниқли ёзувчи Арнолд Беннет учун яратилган. Муаллиф 1920 йилларда меҳмонхонада турган ва ошпаз Жан Батист Вирлогеух бу ерда унинг шарафига ушбу таомни тайёрлаган ва таомга “Арнолд Беннет омлети” дея ном берган.* Ушбу жиҳатларни эътиборга олиб таржима амалиётига қўл урилса, таржимон прагматик муаммоларни йўққа чиқариши мумкин. Агар биз ушбу таом номини оддийгина *“инглизча омлет”* деб таржима қилсак, термин ўзидаги коммуникативлик хусусиятини йўқотиши мумкин.

Маданий таржима муаммолари маданиятлар ўртасидаги тушунчаларнинг фарқларига таржимон дуч келганда юзага келади. Инглиз ва ўзбек тилларидага гастронимик терминологик тизимида маданиятни англатувчи тушунчалар, маданий воқеликлар ўртасида катта фарқлар мавжуд. Чунки миллий таом номлари, уларни истеъмол қилиш жараёнлари, вақт ва макондаги фарқлар маданий тафовутларни келтириб чиқаради.

Ҳар бир халқ маданияти ўзининг турлича шаклларига эга бўлгани каби таом тановулидаги одатлари-ю, масалликни ишлаб чиқариш ва уни пишириб ейиш услубларида ҳам ўзига хос хусусиятлар пайдо бўлди. Мана шу ўзига хослик миллий ошхоналарда ажойиб таомларнинг ижод этилишига ва пазандаликнинг бойишига ҳам сабаб бўлди<sup>9</sup>. Демак, ҳар бир халқнинг таомларининг номлари, таом тайёрлаш ва истеъмол қилишда ўша халқнинг маданияти бевосита акс этади.

<sup>9</sup> Маҳмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. –Тошкент, “Меҳнат”, 1989. – 352 б. (11)

Масалан, Буюк Британияда одатда шотландлар томонидан тайёрланадиган “bride’s bonn” таоми бўлиб, ун, сариёғ ва қандли шакар билан аралаштириш усули билан тайёрланадиган ҳамда сут билан бирлаштириладиган ва зайтун уруғи билан хушбўйлаштириладиган пирог ҳисобланиб, тўй куни иссиқ панжара устида пиширилган ва анъанавий равишда келиннинг янги уйига кираётганда унинг боши устидан ўтказилиб, синдирилади. Бу бевосита Британияликларнинг ўзига хос миллий таомлари ҳисобланади. Чунки, “**bride’s bonn**” ҳар доим одатий кунларда тайёрланадиган таом эмас. Уни махсус тўй куни тайёрлашади. Мана шу жиҳатлар мазкур терминда миллий-маданий маъно мавжуд эканлигини билдиради. Бу каби анъанавий таомларга *Shepherd’s pie, Beef Wellington, Fish and Chips, Chicken Tikka Masala, Steak and Kidney Pie, Eton Mess, Afternoon Tea, Cornish Pasty, Roast Dinner* кабилар киради.

### МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекларда ҳам айнан миллий маданият, анъана, маросимлар учун тайёрланадиган махсус таомлар мавжудки, булар ўзбек халқининг турмуш тарзи, анъана ва қадриятлари, эътиқодини англатади. Булар сирасига Наврўз, Ҳайт байрамлари каби миллий маросим таомлари киради. Одатда ўзбек маросим таомларига қуйидагиларни киритиш мумкин: *ош, нон, қатлама, бўғирсоқ, чўзма, чалпак, ижжон, пешмак, ҳолва, нишолда* каби бир қатор таомлар мавжудки, уларнинг муайян бир маросим даврида ёки мароимий мақсадларни амалга ошириш учун махсус кунларда ҳам пиширилади. Масалан, “чалпак” юпка нон ҳисобланиб, қозонда пиширилади. Бу таом кўпроқ Фарғона водийси аҳолиси томонидан эрта баҳор арафасида маҳалла, қабристон ва бошқа жойларни оммавий ҳашар пайтида пиширилади ва пишириш жараёнида янги келайётган мавсумда элга омонлик, деҳқончилик, чорвачилик каби фаолиятларда қут-барақа ният қилинади. Мана шу жиҳатлар мазкур таомларнинг маданий коннотация эканлигини англатади. Шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда “чалпак” гастрономик терминини инглиз тилига “Uzbek rite chalpak” тарзида ўгирилса, юқоридаги миллий-маданий маъно ҳам таржима тилига олиб ўтилади. Бу терминни таржима қилишда усуллар уйғунлигидан фойдаланилади. Бунда қўлланган биринчи усул тавсиллаш “Uzbek rite” учун бўлса, иккинчиси транслитерация усули “chalpak” лексик бирлиги учун, ва учинчиси эса бутун термин бирикма учун калька таржима усули қўлланмоқда.

Нафақат гастрономия соҳаси терминлари, балки бошқа соҳа терминларида ҳам мана шундай маданий коннотатив маъно бўлганлиги боис уларни таржима қилишда таржимон маданий кодга дуч келади. Ушбу кодни

бартараф этиш учун эса, чет тилига таржима қилинадиган таом номини транслитерация қилиб, унинг маросим таом эканлиги борасида қўшимча ахборот қўшиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Терминлар таржимасидаги яна бир муаммо бу – лингвистик хусусиятлар билан боғлиқ муаммолардир. С.Норднинг тақидича, тиллараро ёки лингвистик муаммолар икки тилнинг луғат бойлиги ёки синтаксисидаги фарқлардан, аниқроғи лингвистик тизимлар билан боғлиқлигидан келиб чиқади<sup>10</sup>.

Шаффнернинг таъбирича “таржимага функционал ёндашувлар тил ва маданият ўртасида аниқ бир чизик бўлмаслигини англатади. Таржима нафақат тил чегараларини, балки маданий чегараларни кесиб ўтишни англатади. Функционал ёндашув орқали мазкур тил ва маданият чегараларини йўққа чиқариш мумкин.

Икки тилнинг лисоний структурасини билиш таржимонлар учун жуда муҳимдир жиҳатдир, аммо таржима самарали амалга ошириш учун бу етарли эмас. Энг долзарб лингвистик муаммолар сирасига турли хил маънога эга сўзларни ёки аслият ва таржима тилида турли хил сўз тартибга эга бўлишдир.

Инглиз ва ўзбек тилларида гастрономия соҳаси терминларини таржима қилишда ҳам кўплаб лингвистик муаммолар учраши мумкин. Бунга сабаб инглиз тили Ҳинд-европа тиллари оиласи роман-герман тиллари гуруҳига кирса, ўзбек тили Олтой тиллари оиласи туркий тилар гуруҳига киради. Шунинг учун бу тилларнинг синтактик структураси ва сўз тартибида катта тафовут мавжуд.

Терминларнинг таржима қилишда лисоний, маданий, лингвистик, матнга хос бўлган таржима муаммолари учрайди. Шунини алоҳида тақидлаб ўтиш мумкинки, терминлар таржимасида таржима қилинаётган соҳас борасидаги экстралингвистик билимнинг етарли даражада бўлмаслиги ҳам таржима муаммоларини кўпайтириб юбориши мумкин.

Демак, термин ва унинг асосий ҳоссалари, уларни чет тилига таржима қилишда учрайдиган асосий муаммоларни аниқлаб олганимиз ҳолда терминларни таржима қилиш борасидаги тавсия ва йўриқномаларни қуйида ҳавола этамиз.

Терминлар таржимасида луғатларнинг икки гуруҳидан фойдаланиш керак: анъанавий таржима лингвистик луғатлари (синонимлар билан боғлиқ бўлган лингвистик маълумотлар, сўз шаклининг ўзига хос хусусиятлари, этимологияси

<sup>10</sup> Nord C. Text Analysis in Translation. Amsterdam, New York: Rodopi, 2005.



ва б.) ва терминларнинг изоҳли концептуал таржима луғатлари (тегишли тушунчалар ҳақидаги концептуал маълумотлар)<sup>11</sup>.

Бизга маълумки, терминлар матни ташкил этувчи кичик лексик бирликлар, сўзлар, сўз бирикмалари, мақол ва маталлар, афоризмлар кабилар қаторида тилда мавжуд бўлади. Шундай экан одатда терминларни таржимасида таржима усуллари алоҳида аҳамиятга эга.

Таржима усуллари илк бор Винье ва Дарбелнье томонидан аниқ методологик мақсадга кўра таснифланган<sup>12</sup>. П.Ньюмарк таржима трансформацияларнинг таснифига трансференция, натурализация, маданий эквивалент, тасвирий эквивалент, компонент таҳлил, синонимлик, тўлиқ таржима, ўзгаришлар ёки транспозициялар, модуляция, расмий услуб таржимаси, ўрнини тўлдириш, перифраза, бирлашма, эслатмаларни киритади<sup>13</sup>.

Л.Бархударов таржима жараёнида қўлланадиган усулларни тўрт турга бўлади: 1) жойни ўзгартириш; 2) сўз алмаштириш; 3) сўз қўшиш; 4) сўзни тушириб қолдириш<sup>14</sup>.

В.Комиссаров эса таржима усуллари умуий равишда учга: лексик, грамматик ва лексик-грамматик турларга бўлади<sup>15</sup>.

А) Лексик трансформациялар:

1. Транскрипция ва транслитерация усули;
2. Калькалаш усули;
3. Лексик-семантик алмашинув (аниқлик киритиш, умумлаштириш, модуляция) усули.

Б) Грамматик трансформациялар:

1. Синтактик ўхшатиш (сўзма-сўз таржима) усули;
2. Жумла тузилишини ўзгартириш (жумлаларни бўлиш ёки бирлаштириш) усули;
3. Грамматик алмаштиришлар (сўз шакли, нутқ бўлаги ёки гап бўлақларини алмаштириш).

В) Комплекс лексик-грамматик трансформациялар:

1. Антонимик таржима усули;
2. Экспликация (мазмунини очиш) усули;

<sup>11</sup> Newmark P. A Textbook of Translation. New York: Prentice Hall, 1998. – P. 304.

<sup>12</sup> Vinay, J, J. Darbelnet. Stylistique comparée du français et de l’anglais. – Paris: Georgetown University Press, 1977. – pp. 47-51.

<sup>13</sup> Newmark P. Approaches to Translation. – Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. – pp. 80-91.

<sup>14</sup> Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: ИМО, 1975. – С.190.

<sup>15</sup> Комиссаров В. Теория перевода. – М.: ИМО, 1990. – С. 172.

### 3. Компенсация усули.

Н.Қамбаров таржима усулларида фойдаланиш салмоғи аслият ва таржима тилларининг бир – бирига қардош ёки қардош эмаслигига боғлиқлиги, уларни таржима муносабати билан контактга кирган икки тил (аслият ва таржима)нинг типологик, стилистик, лингвостилистик, прагматик, лингвопрагматик, лингвокультурологик, социолингвистик ҳамда лингвотекстологик хусусиятларидан келиб чиқиб танланиши борасида ўз фикрларини билдириб ўтган. Олимнинг фикрича, таржима жараёнида энг кўп қўлланадиган таржима трансформациялари: сўз тартибининг ўзгариши, сўз кўшиш, сўзни тушириб қолдириш, умумлаштириш, конкретлаштириш, калькалаш, тасвирий таржима усуллари кабилар ҳисобланади. Трансформациялар сонининг кам бўлиши тилларнинг бир-бирига яқинлигидан, трансформациялар миқдорининг кўплиги тилларнинг бир-биридан узоқ эканлигидан далолат беради<sup>16</sup>.

Терминларни таржима қилишда терминнинг қайси соҳага тегишли эканлигига қараб турли хил таржима усуллари қўлланиши мумкин. Уларнинг таржимада қўлланиши аслият ва таржима тилларининг лексик ҳамда синтактик хусусиятлариги боғлиқ бўлади.

#### **ТАКЛИФ ВА ХУЛОСАЛАР**

Хулоса қилишимиз мумкинки, маълумотни ва маъноларни аслият тилидан таржима тилига етказиш ва талқин қилишнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, бу усуллар матнни таржима тили ўқувчилари ёки тингловчилари учун мослаштиришга ёрдам беради. Ушбу усуллардан баъзилари тез-тез қўлланилади, баъзилари эса камроқ қўлланилади, аммо уларнинг барчаси терминларни аниқ таржима қилиш учун жуда муҳимдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

##### **I Норматив-меъёрий ҳужжатлар:**

1. «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 йил 7 февраль.
2. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилдаги ПФ-60 – сон фармони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022 йил 28 январь.

<sup>16</sup> Қамбаров Н.М. Таржима трансформациялари ва тил контактлари (назарий масалалар). Fledu.uz Ўзбекистонда хорижий тиллар электрон журнали. – Т.: 2016.

## II Ilmий манбалар:

3. Абдуллаева Ш.Н. Ғазначилик соҳасида қўлланадиган молиявий-иқтисодий терминларнинг чоғиштирма тадқиқи (инглиз, ўзбек, рус тиллари мисолида) Автореф. ... канд. пед. наук.–Т.,2018. – 26 б.
4. Абдуазизов А.А.Тилшуносликка кириш назарияси. – Т.: Шарқ, 2010. – 144 б.
5. Адигенеева А.Б., Камчыбекова Д. К вопросу о преподавании профессиональных терминов в русском языке. Электронный ресурс: [https://revolution.allbest.ru/pedagogics/00554873\\_0.html](https://revolution.allbest.ru/pedagogics/00554873_0.html). Дата обращения: 21.04.2018.
6. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Ленинград: ЛГУ, 1963. – 360 с.
7. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. –М.,1959, –370 с.
8. Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Автореф. дисс. ... филол. фан. док. – Тошкент, 2016. – 27 б.
9. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: 2007. – 248 б.
10. Аракин В.Д. Типология языков и проблема методического прогнозирования. –М.: «Высшая школа». 1989. –157 с.
11. Банман П. П. Кулинарный дискурс / П. П. Бан-ман. – Ставрополь: Ставропольское книжное изд-во, 2009. – 280 с.
12. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: ИМО, 1975. – 240 с.
13. Будагов Р.А. Человек и его язык. – М.: МГУ, 1976. – 176 с.
14. Буркова П. П. Кулинарный рецепт как особый тип текста: автореф. дис. ... канд. филол. Наук. – Ставрополь, 2004. – 29 с.
15. Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание / А. Вежбицкая ; пер. с англ., отв. ред. М. А. Кронгауз, вступ. ст. Е. В. Падучевой. – Москва: Русские словари, 1996. – 416 с.
16. Вине Ж.-П., Дарбельне Ж. Технические способы перевода. – М.: Международные отношения, 1978. 202 с.
17. Тухтасинов, И. М. (2011). Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте (на материале английского и узбекского языков). Автореф. дисс.... канд. филол. наук. Ташкент: УзГУМЯ.

18. Тухтасинов, И., & Хакимов, М. (2021). Modern views on the problem of distance and traditional methods of teaching Italian language in higher education institutions. *Society and Innovation*, 2(2), 111-117.
19. Tukhtasinov, I. M., Muminov, O. M., & Khamidov, A. A. (2017). The days gone by. Novel by Abdulla Qodiriy. Toshkent.
20. Tukhtasinov, I. M. (2018). The structure of the phenomenon of equivalence and its importance for translation strategies. In *Modern Romano-German linguistics and new pedagogical technologies in language teaching, Materials of the Republican scientific-practical conference*, Samarkand.
21. Тухтасинов, И. М. (2018). Развитие профессиональной компетенции на основе эквивалентности при подготовке переводчиков.
22. Tukhtasinov, I. M. (2017). Discursive approach in the training of translators. In *Mat. International scientific and creative forum "Youth in science and culture of the XXI century"*. Chelyabinsk: Chelyabinsk State Institute of Culture (pp. 229-231).
23. Тухтасинов, И. М. (2012). Национально-культурная специфика сложных слов, выражающих внешность и характер человека, в английском и узбекском языках. *Вестник Челябинского государственного университета*, (2 (256)), 122-125.
24. Тухтасинов, И., & Хакимов, М. (2021). Современные взгляды на проблему дистанционного и традиционного методов обучения итальянскому языку в высших учебных заведениях. *Общество и инновации*, 2(2), 111-117.
25. Тухтасинов, И. М. (2017). Дискурсивный подход в обучении переводчиков. In *Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI в.* (pp. 229-231).
26. Тухтасинов, И. (2021). Таржимоннинг касбий компетенцияси ва фаолият функциялари. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, (3 (80)), 5-10.
27. Тухтасинов, И. (2021). Особенности формирования учебного процесса в системе высшего образования Узбекистана в условиях Covid-19. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, (1 (78)), 11-18.
28. Тухтасинов, И. М. (2020). Лингвокультурологический аспект обучения переводческой компетенции. In *Язык и культура* (pp. 226-231).
29. Тухтасинов, И. М. (2020). Лингвокультурологический аспект обучения переводческой компетенции. In *Язык и культура* (pp. 226-231).
30. Tuhtasinov, Ithom and Lutfilloeva, Fahriniso, *The Japanese Language Teaching Technologies Based on Computer Simulation Models* (September 10, 2019). Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3458780>

31. Тухтасинов, И. М. (2019). ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ В ПРОЦЕСС ОБУЧЕНИЯ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ ПЕРЕВОДА. In Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития (pp. 111-113).
32. Тухтасинов, И. М. (2018). Методика выявления эквивалентности слов разносистемных языков в процессе перевода. Бюллетень науки и практики, 4(7), 539-544.
33. Тухтасинов, И. (2017). Таржимада маданияй мослашиш ҳолатлари. Иностранная филология: язык, литература, образование, 2(2 (63)), 5-9.
34. Тухтасинов, И. (2017). Жамият тарихининг ҳозирги босқичида таржимонлар тайёрлашнинг асосий муаммолари. Иностранная филология: язык, литература, образование, 2(4 (65)), 20-24.
35. Тухтасинов, И. (2016). Таржима назариясида тиллараро эквивалентлик тушунчаси ва унинг тадқиқи. Иностранная филология: язык, литература, образование, 1(4), 26-30.
36. Тухтасинов, И. М. СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ СПЕЦИФИКА В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ. ББК 74.48 Р 76, 314.
37. Djurayev, D. M. Linguo-cultural Approach to Teaching Foreign Languages. International Journal on Integrated Education, 3(12), 240-241.
38. Джураев, Д. (2021). ХИТОЙ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБА ХАРАКТЕРИНИНГ АҲАМИЯТИ. АКТУАЛЬНОЕ В ФИЛОЛОГИИ, 1(1).
39. Джураев, Д. (2020). Талабаларни таълим жараёнида хитой тилига ўқитиш самарадорлигини ошириш методлари. Иностранная филология: язык, литература, образование, (1 (74)), 124-127.
40. Джураев, Д. М. (2017). ИСТОРИЧЕСКИЕ ПРЕДПОСЫЛКИ ОБУЧЕНИЯ И МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА В УЗБЕКИСТАНЕ. In Актуальные вопросы преподавания китайского и других восточных языков в XXI в. (pp. 84-88).
41. Dilshod, D. (2012). 乌兹别克斯坦与中国重要节日的对比 (Master's thesis, 新疆大学).
42. Турниязов, Н. К. (1985). Принципы формирования синтаксической структуры сложноподчинённого предложения в узбекском языке/-Ташкент. Укитувчи.-1985,-с22.
43. Turniyozov, N., & Rahimov, A. (2006). O'zbek Tili [M].
44. Турниёзов, Н. (1998). Назарий грамматикадан очерклар. Самарқанд: СамДЧТИ, 998, 48.



- 
45. Сулейманова, Н. М., & Турниязов, Н. К. (2018). О ФОРМИРОВАНИИ СТРУКТУРНОЙ СХЕМЫ В ЧЕЛОВЕЧЕСКОМ СОЗНАНИИ. In Научные школы. Молодёжь в науке и культуре XXI века (pp. 39-42).
46. Турниёзов, Н. (2016). Синтагматик муносабат ва дискурс шаклланишига доир баъзи қайдлар. Иностранная филология: язык, литература, образование, 1(4), 10-13.